



МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"Best pipe and parts" акциядорлик жамиятининг таъсисчиларига

Фикр.

Биз "Best pipe and parts" акциядорлик жамиятининг 31 декабр 2025 йил ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия тушунтиришларидан, ва бошқа маълумотлардан иборат молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча "Best pipe and parts" акциядорлик жамиятининг 2025 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асослар.

Биз аудит текширувини Халқаро аудит стандартлари (ХАС) га асосан ўтказдик. Бизнинг жавобгарлигимиз Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ушбу хулосанинг "Аудиторларнинг жавобгарлиги" бўлимида келтирилган. Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг мустақиллик Қоидалари ва аудиторларнинг профессионал ахлоқ Кодекси, профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган профессионал бухгалтерларнинг ахлоқ Кодекси талабларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилаётган юридик шахсга нисбатан мустақилмиз ва ушбу профессионал ахлоқ талабларига асосан бошқа талаблар ҳам бажарилди.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари.

Аудитнинг асосий масалалари – бу бизнинг профессионал фикримизча, жорий даврнинг молиявий ҳисоботи аудити учун энг муҳим бўлган саволлар тўпламидир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудити нуқтаи назаридан ва ушбу ҳисоботлар бўйича фикримизни шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Муҳимлик

Бизн қўллаган муҳимлик аудит қўламини аниқлашга таъсир кўрсатди. Аудит молиявий ҳисобот жиддий хатолардан холи эканлигига асосли ишонч ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Фарқлар фирибгарлик ёки хатолик натижасида пайдо бўлиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ушбу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладигон алоҳида ёки жами иқтисодий қарорларига таъсир этиши мумкин бўлса, улар муҳим ҳисобланади. Бизнинг профессионал мулоҳазаларимизга асосланиб, биз муҳимлик учун маълум миқдорий чегараларни, шу жумладан, жамиятнинг молиявий ҳисоботи даражасида умумий 550 000 минг сўм миқдоридаги муҳимликни белгилаб олдик. Ушбу қийматдан фойдаланган ҳолда ва сифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, биз аудит қўламини, шунингдек, аудит тартиб-қоидаларининг табиати, муддати ва ҳажмини аниқладик ва нотўғри маълумотларнинг (агар мавжуд бўлса, алоҳида ва жами) умуман молиявий ҳисоботга таъсирини баҳоладик.

Бошқа маълумотлар.

Молиявий ҳисоботнинг аудити муносабати билан, бошқа маълумотлар билан танишиш аудиторларнинг мажбуриятига кириб, аудиторлик текшируви давомида олинган маълумотлар ёки молиявий ҳисобот маълумотлари билан жиддий тафовутлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш учун керак бўлади. Биз бажарилган ишимизга асосланиб, ушбу бошқа маълумотларда муҳим ўзгаришлар мавжуд деган хулосага келсак, биз ушбу фактлар ҳақида хабар беришимиз шарт. Лекин биз хабар беришимиз керак бўлган фактлар мавжуд эмас.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторларнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз – йиллик молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим ўзгаришлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва фикримиз билдирилган аудиторлик хулосани тақдим қилиш. Аққли ишонч юқори даражадаги ишончни англатади, аммо ХАС га асосан ўтказилган аудит хар доим ҳам муҳим ўзгаришлар аниқланишига кафолат эмас. Ўзгаришлар фирибгарлик ёки хатонинг натижаси бўлиши мумкин ва агар алоҳида ёки умумий равишда улар ушбу молиявий ҳисоботга асосланиб,

фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

ХАС га асосан ўтказилган аудит доирасида, биз профессионал нуқтаи назарга эгамиз ва бутун аудит давомида профессионал шубҳаларни сақлаймиз. Бундан ташқари, биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш хавфини аниқлаш ва баҳолаш; ушбу хавфларга жавобан аудиторлик тартибини ишлаб чиқамиз ва ўтказамиз; фикр билдиришимиз учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим ўзгаришларни аниқламаслик хавфи хато натижасида муҳим ўзгаришларни аниқламаслик хавфидан юқори, бунинг сабаби фирибгарлик фитна, сохталаштириш, атайлаб ўтказиб юбориш, маълумотни нотўғри тақдим этиш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтишга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин;
- биз жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш учун эмас, балки аудиторлик текширувига муҳим деб танлаб олинган ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эгамиз;
- молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тақдим қилиниши, унинг тузилиши ва мазмунини, шу жумладан молиявий ҳисоботларни очиб берилишини ва молиявий ҳисоботда жамиятнинг операциялари ва ходисаларини ишончли тарзда тақдим этилганлигини баҳолаш;
- биз умумий молиявий ҳисоботни баҳолаймиз, жумладан: унинг тузилиши ва таркиби, маълумотларни тўлиқ ёритилиши ва молиявий ҳисоботда асосий операциялар ва ходисаларни ишончли тарзда акс эттирилганлиги;
- аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади, аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Биз, режалаштирилган аудит доираси ва вақти, шунингдек ўтказилган аудит бўйича муҳим мулоҳазалар, ички назорат тизимидаги муҳим камчиликлар тўғрисида маълумот бердик.

Шунингдек, биз корпоратив бошқарув билан шуғулланувчи шахсга мустақилликка тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилганимиз ва аудиторларнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабатлар ва бошқа масалалар тўғрисида ахборот бердик.

Вазифа раҳбари, ўтказилган аудит натижасида тайёрланган аудиторлик хулосаси мустақил аудитор Бурхонов Б.Ф. фикрлари асосида берилди (аудиторнинг малака сертификати 16.12.2021 йилдаги № 05757-сон).

МЧЖ шаклидаги «GLOBAL-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор

2026 йил 26 феврал.

Аудит ўтказилган юридик шахс тўғрисида маълумот :

Номи : "Best pipe and parts" акциядорлик жамияти

Корхона ва ташкилотларнинг ягона Давлат регистридаги ёзув: Адлия вазирлигидан 17.07.1996 й. куни рўйхатдан ўтган.

Жойлашган манзили : Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар Фарғоний кўчаси 57 уй.

СТИР: 202 128 093

ОКЭД: 29320

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот :

Номи : МЧЖ «GLOBAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Корхона ва ташкилотларнинг ягона Давлат регистридаги ёзув : Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 06 ноябрда № 355-сон билан рўйхатдан ўтказилган

Жойлашган манзили: 100164, Ўзбекистон Республикаси, ш.Ташкент, Навнихол 3 кўчаси, 7 уй

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотлари рўйхатига олинган 04.06.2021 йил. Бухгалтерлар аудиторлар Миллий Ассоциацияси аъзоси. FINEXPERTIZA халқаро аудиторлар маркази аъзоси. СТИР : 202 268 854.